

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРНИНГ НИКОҲ ТҶИИ МАРОСИМЛАРИ

Искандаров Шерзод Абдуганиевич

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси

тарих фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Iskandarov54@mail.ru Телефон рақам 998909055614

КИРИШ

Мустақиллиги сиёсат, иқтисодиёт ва маънавиятнинг барча соҳаларида бўлган каби этнография соҳасини ўрганишга ҳам кенг кўламли йўл очиб берди. Советлар тузуми даврида коммунистик мафкурани тазйиқи остида кўплаб халқларнинг миллий қадриятлари, қадимий урф-одатлари, оилавий анъаналари, бой маданий мерос оёқ ости қилинди, ўзбек халқи эса маънавий қолоқ, деб таҳқирланди, миллий анъаналар ва қадриятларни улуғлаган ва ҳимоя қилган зиёлилар “миллатчи”ликда айбланиб қатағон қилинди.

XX асрнинг биринчи чорагида тараққийпарвар маърифатпарвар жадиждлар томонидан билдирган теран фикр-мулоҳазалар ва амалий тавсиялар бугунги кунимизга ҳам бирдек, тааллуқли ва ўз долзарблигини умуман йўқотмаган. Айниқса, жадиждларнинг дабдабали, серхашам тўй-маракаларини тобора ихчамлаштириб, маданий-маърифий ва саҳоват ишларга эътибор кўпроқ қаратилса, халқимиз маънавияти янада ошади, деган теран фикрлари айниқса, диққатга сазавордир¹. 1998 йил 28 октябрда имзоланган “Тўй хашамлар, оилавий тантаналарни, маърака ва маросимларни ўтказишдаги дабдабазликка чек қўйиш тўғрисида” ги Фармон қабул қилиниши давлатимизнинг бу соҳага нақадар катта эътибор бераётганлигини кўрсатади. Мазкур фармоннинг ижроси бўйича белгиланган биринчи йўналишда “Муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф - одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига етказиш қабтий йўлга қўйилсин”² - дейилган.

Фармондан хулоса чиқазган Республика Мусулмонлар қўмитаси 1998 йил 3-ноябрда “Фатво” чиқарди. Унда Республикаимизнинг барча ҳудудларидаги масжидлар имом-хатибларига номозга келган фуқораларга тўйларимизни дабдабасиз, исрофгарчиликларсиз ўтказилсин³.

Маълумки, советлар даврида, тўй маросимининг мазмуни ҳам шакл шамоийли ҳам анча ўзгарди. Тўғри, илгариги замонларда ҳам ўзбекнинг тўйида қозоқнинг полвони, қирғизнинг ўланчиси, тожикнинг устаси, туркманнинг чавандози, албатта, иззатли меҳмон сифатида фаол иштирок этган. Табиийки, ўзбек тўйида бу халқлар лафзи-шеваси ҳам жаранглаб турган. Бироқ янги тузумга келиб, бу қирралар янада кучайди.

¹. Бўриев. О. Хўжамбердиев. Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. Қарши. Насаф. 2005. й. Б. 101.

². Халқ сўзи.- 1998. - 29 октябр.

³. МДА фонд- М-7.Рўйхат-1. Йиғма жилд.649. вароқ 32.

“Кизил” тўйлар, “вечер” лар одат бўлди⁴. Тарихдан яхши маълумки, Россия империяси босқини, айниқса, мустабид совет тузуми даврида оиланинг миллий заминларига қаттиқ зарба берилди. Коммунистик мафкура томонидан маънавий ҳаётимизга, миллий хусусиятларимизга зид бўлган “қизил тўй”, “комсомол тўй”, “байналмилал никоҳ” каби сунъий равишдаги “социалистик”, маросим ва урф-одатлар мажбуран халқимизнинг турмуш тарзига тикиштирилди, муқаддас, сермаъно миллий анъана ва маросимларимиз “ўтмиш сарқити”, “диний хурфот”, “бидъат” деб қораланди, никоҳ ўқитиш эса таъқиқланди. Натижада оила ва никоҳга оид азалий анъана ва урф-одатларимиз ўзининг гўзал қирралари йўқотди⁵.

XX асрининг 50 йилларидан сўнг анъанавий тўй маросимларининг ўрнига замонавий “профессионал педагогика”, “коммунистик ахлоқ”, “комсомол тўйи”, “қизил тўй”, социалистик урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни, яна алламабабалоларни ўйлаб чиқариб уларни халқ номидан меҳнаткашлар хусусан ёшлар турмушига кенг жорий этиш баҳонасида миллатимиз онг-онгига, қон-қонига, турмуш тарзи-ю, феъл-атвориға тамомила мос келмайдиган европача таълимот қарашларига алоҳида аҳамит берилади⁶. Чунончи бу борада Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида яшовчи араблар тўй маросимлари ҳам ўзига хос бўлиб, Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғида яшовчи араблар замонавий тўй маросимлари биринчи марта 1975 1 апрелда Қудрат домла тўйда келин ва куев эркак ва аёллар учун алоҳида стол стули жой қилишган⁷. Бу борада қўшни Сурхондарё вилоятида яшовчи арабларда эса бирмунча аввалроқ, аниқроғи Денов туманида биринчи марта янгича замонавий тўй маросим 1956 йилда ёз ойида бўлган⁸. Кейинчалик 1969 йилда ака ука Кўчар ва Тоғай полвонлар стол стул тўй маросимни ўтказган. Денов туманидаги Боғдод маҳалласига 1979 йил “қизил тўй”, “комсомол тўй”⁹ Работ қишлоғига 1971 йил стол стулли тўй маросими ўтказилди¹⁰.

Жейнов қишлоғига 1980 йил маҳаллий араб қизлари давраси маросими ўтказилиб келинади. Қизлар даврасида бўлажак келинга совға ва соламлар олиб келинади. Совғаларнинг ичида қайнонисики алоҳида ажралиб туради. Чунки қайнона қулидаги тилла узикни бўлажак келинга тақади¹¹. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, маҳаллий ахборотчиларнинг фикрича, қизлар давраси маросимини ўтказиш баъзи оилаларга оғирлик қилиб оилавий муносабатларни бузилишига олиб келмоқда.

⁴. Саторов Махмуд Ўзбек удумлари. Т., Адолат. 2004. й. Б. 112-113.

⁵. Тошева. Г. С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлар. дис қўлёзма Т.: 2002 йил.Б-4.

⁶. Қаранг: Янги турмуш-янги анъаналар.Т., Ўзбекистон. 1973. й. Б. 5. Муродов. М. Қорабоев. У. Рустамова. Р. Этномаданият.Т., Адолат. 2003. Б. 40.

⁷. Дала ёзувлариҚашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи Тойиров Мустафакул.05.07.2011.й.

⁸. Дала ёзувлариСурхандарё вилояти Денов тумани Юрчи қишлоғи Қораев Зиқир бобо.17. 08. 2011. й.

⁹. Дала ёзувлариСурхандарё вилояти Денов тумани Боғдод маҳалласи Жумаев Урал. 18. 08. 2011. й.

¹⁰. Дала ёзувлариСурхандарё вилояти Бойсун тумани Работ Номозов Худайбериди. 09. 08. 2011. й.

¹¹. Дала ёзувлариСурхандарё вилояти Денов тумани Боғдод маҳалласи Турапов Даврон 18. 08. 2011. й.

Мустақиллик туфайли XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб келин ва куёв турли русмдаги машиналарда жура ва дугоналари ҳамроҳлигида шаҳар ва қишлоқ кўчаларини айланиб, шаҳар марказидаги “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гуллар қўйиб эсталик учун суратга, видео тасмага тушиш, куёвлар миллийликга зарли тўн кийиб бошига зар салла ўраш удумлари расм бўлди¹². Келин куёв давраси билан бир неча енгил машиналарда шаҳар ёки қишлоқнинг гўзал жойлари, тарихий обидалари ва муқаддас жойларини зиёрат қилиб, айланиб чиқади¹³.

Кейинчалик қизлар оқ кўйлак, бошларига фота оёқларига оқ туфли кийган, йигитлар қора ёки кулранг костюм, қора туфли, галстук, бош яланг, қўлларида бир даста гул билан закс маросимга боришган. Жейнов қишлоғида биринчи марта 1980 йил Аҳмад ака келин оқ фотада никоҳни қайд этиш маросимига олиб борди¹⁴. Келин ва куевнинг закسدан тантанала рўйхатдан ўтишлари янги анъана ҳисобланиб, янги оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунлаштириш вазифасини бажаради¹⁵. Жейнов араблари тўйлари ҳам замонавийлашиб кетган. Тўй базмларида имкониятга қараб стол ва стуллар қўйилади, меҳмонлар таклиф этилади. Одатда, қишлоқларида кам деганда 300-500 киши тўй оқшомида иштирок этади¹⁶.

XXI асрнинг бошларида ҳам мамлакатимизда ўтказилаётган тўй-маъракаларда исрофгарчиликка, ортиқча ҳаражатларга йўл қўйиш, бу маросимларга обрў ва эътибор топишнинг бир воситаси сифатида муносабатда бўлишдек, зарарли иллат ҳамон жамиятимиз тараққиётига катта зиён етказмоқда¹⁷. Замонавий тўйларни ўтказилиш ёшларнинг тарбиясини бузилишга олиб келмоқда.

Жейнов тўй маросимларда анъанавий тўй маросимларнинг ўрнига янгича замонавий тўй маросимлари кириб келган тўйда арабларининг тарихи билан боғлиқ ўтказилади. Арабларда тўйлар биринчидан тўй маросим кун эрталаб келин ва куёвнинг закс маросим бўлади. Заксда араблар Шаҳар Миришкор ёки Қарши шаҳрига бориб келишди ва закснинг белгиси ҳисобланган. Закс уйларида нишонлашади. Закسدан сўнг 4, 5 та машина билан келин шу ҳолат янги фотада олиб келишади. Бу фота заксга чиқишдан олидин бориб келин фота либос кийимни кийиб келади. Куёв келин уйга ташлаб кейин қайтиб кетади. Баъзи ҳолларда келин қизлар давр қилади тўйдан 1 кун олдин ёки тўй маросим кун қилади. Бундан қизнинг дугоналар келади. Қизнинг уйда ҳам имконияти етган одам бўлса икки хил овқат пиширади имконияти етмаган одам бўлса 1 хил овқат пиширади. Жейновда келининг тўй маросимга қиз чақиридисига келин ва куев ҳам

¹². Тошева. Г. С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлар. дис қўлёзма Т.: 2002 йил. Б -93.

¹³. Жабборов. И. Ўзбеклар. Т., Шарқ. 2008. й. Б. 138. Жабборов. И. Ўзбек халқи этнографияси. Т., Ўқитувчи. Б. 220.

¹⁴. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи Қўшмуродов Раҳмонқул. 05.07.2011.й.

¹⁵. Қорабоев. У. Ўзбекистон байрамлари. Т., Ўқитувчи. 1991. й. Б. 158.

¹⁶. Саидов. М. Равшонов. П. Жейнов тарихи. Т., Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. Б. 257.

¹⁷. Бўриев. О. Хўжамбердиев. Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. Қарши. Насаф. 2005. й. Б. 98 – 99.

келиб ўтиради. Бундан қуйидагича бўлади. Куёв келиб келинга бир даста гул беради. шу гулни олиб келин ва куёв даврга чиқиб келади.

Жанубий Тожикистонда келиннинг уйида асосий тўй байрамлари уюштирилгани, куёв ва унинг қариндошларининг келинга, унинг ота-онаси ва қариндошларига турли совға-саломлар тақдим этилиши, ва бошқа кўплаб удумлар ҳар икки ўтроқ хонадонда ўтказилиши бу ҳолатнинг ёрқин далилидир.¹⁸

Тўй маросимини ўтказишнинг асосий муаммоси тавоқ қилиб келиш одати бўлиб, ҳар бир тавоққа тўй қиладиган хонадон 2, 3 метр бахмални аёллар қилиб келган дастурхонига солишади. Ахборатчининг эслашича отаси унинг тўйга 600 юз метр бахмал 700 метр чит таёрлаб қўйган. Эркакларга эса 20, 30 сўм пул ташлаб чиқишган¹⁹. Араб халқининг миллий тўй маросим йўқолиб бормоқда миллинлаб пул сарфланмоқда. Жейнов арабларининг ўзига яна бир муҳим жиҳати бу куёвни уйда куёвга сарпо кийим кийдириш бунда куёвни аммаси ёки холаси умуман яқинларидан бир куёвни силаб сепалаб дўппи, чапон, белга белқарс, тақиб ёр-ёр улани айтиб, аёллар пул, бир кийимлик сарпо ташлаб кетишади.

Ҳозирги, даврга келиб араб халқининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ва маърифий жараёниларининг ривожланишга катта эътибор берилди. Янги анъаналаримиздан мучал ёш, бешик тўй, биринчи қадам, суннат тўй, никоҳ тўйлари каби анаъанавий турмуш-тарзи, маросимларимиз кириб, кела бошлади.

Замонавий ўзбек никоҳ тўйлари асосан учта маросимдан иборат бўлмоқ. 1. “Нон синдириш” маросими-шунчаки рамзий тарзда ўтказиладиган анъана бўлибгина қолмай, балки келин ва куёв томонларнинг тўй планини тузиб олишлари учун зарур бўлган мулоқат-тадбир вазифасини ҳам бажарувчи жараёни ҳисобланади. 2. Келин ва куёв ва куёвнинг загсдан тантанали рўйхатдан ўтишлари-янги анаъана ҳисобланиб, янги оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунлаштириш вазифасини бажаради. 3. Тўй маросими (“Бахт кечаси”) янги оила қурилганлигини, ота-она, дўст-ёрлар ва қавму-қариндошлар билан бирга тантанали нишонлаш учун хизмат қилади.²⁰

Араблар никоҳ тўйи маросимлари ва ундан кейинги оилавий маиший муносабатларда жиддий ўзгариши рўй берганлигидан, унинг маиший ҳаёти, турмуш тарзи ва ижтимоий онги давр талабига жавоб берадиган даражада замонавийлашиб бораётганлигидан далолат беради. Республикаимизнинг мустақиллик шароитида эркаклар билан хотин-қизларнинг иқтисодий, ҳуқуқий тенглигини ўрнатиш, шунингдек, аёлларни камситувчи қалин тўлаш, зўрлаб эрга бериш, кўп хотинлилик, ёш қизларини барвақт турмушига чиқариш каби эскилик тартиб ва удумларини ман этадиган қонунларининг мавжудлиги, янги конституция асосида оилавий маиший муносабатлар ҳамда демократик

¹⁸. Мадамминжанова З. М. Арабы Южного Таджикистана (историческая этнография) – М. қўлёзма 1994.

¹⁹. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Косон тумани Пўлати қишлоғи Саидов Рустам бобо 25. 07. 2011. йил.

²⁰. Қорабоев. У. Ўзбекистон байрамлари. Т.: Шарқ, 1991. Б. 158.

тартибларни ўрнатиш замонавий турмуш тарзига хос эркин ўзбек оиласининг шаклланишига ижтимоий-сиёсий замин яратиб бермоқда.

Янги анъана ва урф-одатлар турмушимизни маънавий жихатидан тўлдиради, турмуш тарзининг ижтимоий-ахлоқий, эстетик идеалларини, хулқ-атвор намунасини, кишининг меҳнатга бўлган муносабатини мустаҳкамлайди, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ғояларини акс эттиради.

Янгича тўй, комсомол тўйларининг республикамиз миқёсида тобора кенг оммалашиб бораётганлиги катта воқеадир. Замановий, янги, халқимизга ёқиб қолган бу тўйи илгарилари ўтказиладиган тўйидан мерос қилиб олинган ижобий анъана ва ҳаётимиз тақозаси билан вужудга келган. Янги анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ҳолда диний урф-одатлар кераксиз ирим-сиримлардан ҳоли равишда ўтказилмоқда.²¹

Қишлоқларда гарчи “Комсомол тўйи”, “Қизил тўй”, деб аталсада, жуда кўп зарарли расм-русумлар ҳамон давом этмоқда. Тўйгача ўтказиладиган “Нон синдириш”, “Фотиҳа тўйи”, “Сарпо юбориш”, “Маслаҳат оши”, “Қуда танишув”, “Хайитлик”, “Чорлар”, “Майда дастурхон”, “Куёв салом” ва шу каби урф-одатлар ҳали ҳам учрамоқда. Шаҳарларда эса, янгилик ниқоби остида ортиқча хашамга, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Жойларда қалин ҳамон сақланиб қолмоқда. Бундай сарқитларга ва янгидан пайдо бўлган бемаъни одатларга қарши кескин кураш бутун жамоатчиликнинг вазифасидир. Шу билан бирга янгича анъана бу закс маросимлари кириб келмоқда²².

Ўзбекистондаги арабларининг анъанавий маросимларидаги ўзгаришларда янгича тўй, закс, оилавий маросим, янгича уй-жой ва байрамдаги ўзгаришлар ҳамда ҳозирги вақтида янгича анъаналарининг кириб келиши қадимдан давом этиб келаётган урф-одатларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг сабаби глобализм жараёнидаги жадаллашувдир. Кейинги пайтлардаги илмий ва махсус адабиётларда “анъанавий байрамлар”, “янги анъаналар” каби тушунчалар кўпроқ ишлатила бошланди.

Хулоса XX асрда дунё ҳаётида ўзига хос бир янги маданияти шаклланди. Шу жумладан араб диаспораси турмуш-тарзи, оилавий маросимларида ўзгариб “комсомол тўй”, “қизил тўй”, каби маросимлари 60-70 йилларда кириб келиди. Шу 30-40 йил ичида ўзбек ва араб миллий тўй маросимлари бир-биридан фарқ йўқолди. Замонавий тўй маросимлари совет тузуми даврида кенг тарқалиб, анъанавий урф-одатларимизни йўқолишга олиб келди. Мустақиллик йилларида тўй маросим 300-400 кишилик рестаронларда қилинмоқда, Арабларининг бошқа халқлардан ажралиб турадиган жихати тўй маросимни каттароқ қилиб ўтказишади. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатики, араблар қарз олиб тўй қилган одамнинг тўйга боришмайди. Бу арабларнинг ўзига хос лақаб хусусиятиларидан биридир.

²¹. Миралимор. Ш. Янги анъаналар янги одатлар. Т: Ёш гвардия, 1975. Б. 26.

²² Бўриев О Низомов А Оила ва янги анъаналар. Т: 1988. Б. 17.

Фойдаланган адабиётлар

1. Raxmonov , E. K. o‘g‘li, Qobilov , F. S. o‘g‘li, & Berdimuradov , X. T. o‘g‘li. (2023). RESPUBLIKAMIZDA YETISHTIRILAYOTGAN BUG‘DOY DONLARINING FIZIK-KIMYOVIY KO‘RSATKICHLARINING TAHLILI. ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 2(2), 95–101. Retrieved from <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/144>
2. Qobilov, F. S. o‘g‘li, & Raxmonov, E. K. o‘g‘li. (2023). NON MAHSULOTLARINI TAYYORLASHDA QURUQ KLEYKOVINADAN QO‘SHIMCHA SIFATIDA FOYDALANISH. ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 2(2), 58–63. Retrieved from <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/139>
3. Sattorova, K. A. qizi, & Raxmonov, E. K. o‘g‘li. (2022). NON MAHSULOTLARINI SIFATINI OSHIRISHDA QO‘LLANILADIGAN QO‘SHIMCHALAR. INTERNATIONAL CONFERENCES, 1(1), 29–31. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/cf/article/view/230>
4. O‘G‘Li, X. T. X., Berdimuradov, E. K. O. G. L., BUG‘DOY, R. N. U. T., & ASOSLASH, N. T. V. CARJIS. 2022.№ 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/navli-un-tortishda-bug-doy-navlarini-tanlash-va-asoslash> (дата обращения: 29.03. 2023).
5. Hamroyeva Sh.Sh., & Muhidova G. (2018). PEDAGOGICAL AND METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF TEACHING ENGLISH TO YOUNG LEARNERS. Мировая наука, (5 (14)), 37-39.
6. Hamroyeva Sh.Sh. (2018). SIR WALTER SCOTT’S ARTISTIC SKILL IN THE EXPRESSION OF HISTORICAL FACTS AND LITERARY FICTION IN HIS HISTORICAL NOVELS. Мировая наука, (5 (14)), 35-37.